



Ishonch

МОХИЯТ
 Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятларимиз, бу — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.
 Ислоҳ КАРИМОВ

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010 йил — Баркамол авлод йили

Ёшлик, баркамоллик, маънавият байрами

«Келажак овози — 2010» республика кўрик-танлови якунланди

Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози — 2010» кўрик-танловининг якуний босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ёш авлодни юксак маънавиятга ва салоҳиятга, мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, улар истеъдодини ўз вақтида аниқлаш ва қўллаб-қувватлашнинг пухта тизими яратилган. Юртимизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган жаҳон андозалари даражасидаги таълим муассасалари, ижодиёт ва спорт-соғломлаштириш марказлари фарзандларимизнинг миллий ва жаҳон илм-фан, маданият, санъат намуналаридан баҳраманд бўлиши, ўз кизиқишига кўра касб танлаши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини янада кенгрок намойиш этишида муҳим омили бўлаётди.



«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилаётган турли ижтимоий лойиҳалар, грант дастурлари, ижодий фестиваллар, кўргазмалар, санъат ҳафталиклари, концертлар, спорт тадбирлари фаол ва изланувчан ёшларнинг эзгу орзу-интилишларига қанот бағишламоқда. Бу борадаги ишлар кўлами Баркамол авлод йилида янада кенгайди.

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» кўрик-танлови йигит-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, инновацион технологиялар, санъат, адабиёт, меъморчилик ва дизайн соҳасидаги илғор лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалиётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ун беш ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган йигит-қизлар иштирок этган танловда 2009 йилда олтинчи уч минг нафардан зиёд йигит-қиз ўз салоҳиятини синаб кўрган бўлса, 2010 йилда улар сони етмиш бир мингдан ортди. Бу танловга бўлган қизиқиш йил сайин кучайиб бораётганидан далолатдир.

Мақсуд ижодий-интеллектуал беллашувда голиб чиққан ёшлар илм-фан, маданият ва санъатга оид турли кўргазмалар, фестиваллар, нуфузли анжуманларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Уларнинг илғор ғоя ва ташаббуслари ахборот технологиялари, фаннинг турли йўналишлари, меъморчилик, дизайн каби соҳаларда кенг татбиқ этилаётди. Ўз иқтидорини муваффақиятли намойиш этган ёшлар бугун юртимиздаги етакчи компаниялар ва ташкилотлар, илмий-тадқиқот марказларида самарали фаолият кўрсатаётди.

Бу йилги танловда қатнашчилар ўз билим ва иқтидорини архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадий ижод ва публицистика каби ўн беш йўналиш бўйича намойиш этди. Кўрик-танлов доирасида ташкил этилган илмий-амалий анжуманлар, семинарларда ёшларнинг инновацион лойиҳалари ва илмий ишланмалари атрафлича муҳокама этилди.

Таниқли олимлар, мусаввирлар, санъат ва маданият намояндалари, журналистлар ишти-

рокида ўтказилган маҳорат сабоқлари, медиамактаб машғулотларида ёшларнинг муайян соҳалардаги фаолияти атрафлича таҳлил этилди, уларга зарур маслаҳатлар берилди. Турли концертлар, викториналар, бадий кўргазмалар, интеллектуал беллашувлар мақсуд танловнинг ёшларга хос баркамоллик, заковат ва маънавият байрамига айланадиган алоҳида аҳамият касб этди. Ёшлар пойтахтимиздаги майдонлар, музейлар, тасвирий санъат галереялари, кўргазма заллари, тарихий ёдгорликларда бўлиб, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишди.

— Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини олиб боришга оид дастурий таъминот бўйича лойиҳа танловда юксак баҳо олганидан жуда хурсандман, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали талабаси Мухаббат Раҳмонова. — Танлов ўз илмий-ижодий фаолиятимизни яна бир қарақча қўриқ қилиш, малакали мутахассислар кўригидан ўтказиш, устозлар маслаҳатидан баҳраманд бўлиш, тенгдошларимиз ижоди билан яқиндан танишиш, янгидан-янги дўстлар орттириш имконини берди. Буларнинг барчаси юртимизда биз, ёшлар камолотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва гамхўрликнинг амалий натижасидир.

Кўрик-танловнинг рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар йўналиши голиби — Лазиз Акбаров Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида таълим олади. У тақдим этган акустик ишлов бериш йўли билан меваларни қуритиш мосламаси иқтисодий тежамкорлиги, экологик жиҳатдан безарарлиги, қўллаш учун қулайлиги билан олим ва мутахассислар эътиборини жалб этди.

«Келажак овози — 2010» кўрик-танловини мамлакат босқичи голибларининг илмий ишланмалари ва лойиҳаларининг тақдими бўлиб ўтди.

«Келажак овози — 2010» кўрик-танловининг якуний босқичи голибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Янги йилни Ўзбекистонда кутиб олаётганимдан бахтиёрман

Юртимизда янги 2011 йилни кутиб олиш ва нишонлашга қизгин ҳозирлик кўриломоқда. Жойларда ўтказилаётган байрам сайллари, маданий тадбирларда юртдошларимиз билан бирга хорижий меҳмонлар ҳам иштирок этаётди. ЎзА мухбири Самарқанд шаҳрига ташриф буюрган чет эллик сайёҳларнинг фикрлари билан қизиқди.

Пи ФОНГ-ЮНГ хоним (Хитой):

— Дунёга машҳур Самарқанд шаҳрига келиш, унинг мусаффо табиатидан нафас олиш, бағрикенг, меҳмондўст халқи билан ҳамсуҳбат бўлишни орзу қилардим. Бахтимга икки йил олдин Самарқандда талабаларга хитой тилидан сабоқ бериш тақлифи тушди. Шу тарзда орзуим ушалай, бугунги кунда Самарқанд давлат чет тиллар институтида ёшларга сабоқ бериб келяман.

Юртингизда ёшларнинг таълим-тарбия олишига катта эътибор қаратилишини яхши биламан. Айниқса, якунига етаётган Баркамол авлод йилида ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистонда ҳар бир йилга муайян ном берилиб, ўша йил давомида мақсуд дастур асосида катта ишлар амалга оширилиши ибрат олишга арзирли тажрибадир.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларни, хусусан ёшларни Янги йил байрами билан табриклайман.

Вилале Жованна ПЬЕРА хоним (Италия):

— Халқингизнинг жуда гўзал урф-одатлари борки, уларда одамийлик, яхшилик, инсон қадриятлари улуғланади. Бу байрамларда янада яққол намойиш бўлади. Айни пайтда Янги йил байрами арафасида ҳамма бир-бирини табриклаб, фарзандлар ота-оналаридан хабар олиб, уларга байрам совғаларини бераётгани, ижтимоий Ҳимояга муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, кишилар ўртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди. Юртингизда байрамлар асосан оила даврасида нишонланар экан. Бу Шарқда азиздан оила улуғлиги келинганидан далолатдир.

2011 йилни Ўзбекистонда кутиб олиш ниятидаман. Бу менга унутилмас қувонч бағишлайди.

Изумичи ТОШИТАКА (Япония):

— Самарқандга бундан икки йил олдин келиб, бу маскандаги тарихий обидалар, бетакрор манзараларни томоша қилгандим. Бугун эса шаҳарнинг қисқа вақт ичиде янада кўркамлашиб, қўллаб-қувватлаш ва иншоотлар, хиёбонлар бунёд этилганини кўрдим. Айниқса, Регистон майдони атрофи, Улугбек расадхонаси худуди ва шаҳар марказидаги ўзгаришлар Самарқандга тарихий улуғлигига монанд замонавий қиёфа бағишлабди. Янги йил байрами арафасида шаҳарнинг бир неча жойида арча ўрнатилиб, кўчаларнинг рангоранг чироқлар билан безатилгани, одамлар кайфиятидаги ўзгаришлар ҳар қандай кишида завқ уйғотади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувликнинг барқарорлиги ва энг муҳими, давлат раҳбарининг халқпарвар сийсати самарасидир.

ЎзА мухбири Голиб ҲАСАНОВ ёзиб олди

Қишлоқда қўшма корхона

Қишлоқларимиз йилдан-йилга чирой очмоқда. Бирин-кетин фойдаланишга топширилаётган замонавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар ҳар жиҳатдан қулайлиги, шарт-шароитларга эга эканлиги билан ўз соҳибларини мамнун этаётди. Бунёдкор қишлоқ аҳлига қаратилаётган бундай эътибор эл-юртга, меҳнатга бўлган муносабатнинг тобора чуқурроқ шаклланишига олиб келяпти.

Олтин сандиқ

Фикримизни Навбахор тумани Янгийўл қишлоқ фуқаролар йиғини тим-солида давом эттирмоқчимиз. Худуднинг Пахтакор маҳалласи яқинидаги кенглик бағрида «Навбахор текстил» масъулияти чекланган жамият шаклидаги чет эл корхонасининг ишга туширилиши худуд аҳли ҳаётига бебаҳо ўзгаришларни бошлаб келди. 220 нафар қишлоқ йигит-қизлари доимий иш жойига эга бўлишди.

— Мақсулотларимизга бўлган талаб ниҳоятда катта, — дейди корхона ижрочи директори Шерзоджон Жумаев биз билан суҳбатда. — Улар ҳозирда Россия Федерацияси, Туркия ва Украина сингари мамлакатларда фаолият кўрсатаётган ҳамкорларга етказиб берилмоқда.

Корхонага ўрнатилган ускуналар Европанинг тараққий этган Швейцария, Туркия ва Чехия давлатларида ишлаб чиқарилган энг сўнгги моделлар ҳисобланади. Улар пахта толасидан йилга 4200 тонна ҳар хил турдаги калава иплари

тайёрлаш қувватига эга.

— Ягона таъсисчимиз, — дейди суҳбатдошимиз, — Туркия Республикасининг «Текстиль Сан. Ве Тус А.С.» компанияси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш қўмитаси ўртасида 2,5 йил мuddатга 5067,3 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш мажбуриятини олган эди. 2010 йилнинг 1 февралига қадар 5151,9 минг АҚШ доллари миқдорида тўғридан тўғри инвестиция киритилди. Фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятидамиз.

Қарийб ярим гектарлик майдонда калаваланаётган ипларни моҳир тўқимачи қизлар назорат қилишмоқда. Туркиялик мутахассис Халил Явузкурт, корхона тижорат бўлими бошлиғи Дилшод Рўзиев, илғор ишчилар Орзикул Пардаева ҳамда Ёдгора Жўраева ҳамкорлик ўз ҳосилини бера бошлаганидан мамнун.

Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Орамиздаги одамлар

Тиниб-тинчимаган қариялар

Қарши туманидаги «Ширкат» маҳалласида анчадан бунён ичимлик суви муаммо бўлиб келарди. Бир гуруҳ қариялар ўзаро келишиб, юқори ташкилотларга чиқиди. Қишлоқдаги тадбиркорлар, фермерлар, ҳомий ташкилотларни бу ишга жалб этишди. Айниқса, Тўла бобо билан Турсун бобонинг ойғидан ўт чақнади.

Тиниб-тинчимаган мўйсифидлар қишлоқ аҳлини оёққа тургазишди. — Бегмат муаллим, ётаверасизми? Қани, туринг, водопровод ўтказамиз... — Ҳа, кўшинингиз Бўрибойнинг эргаштириб чиқинг.

Шу кун Шоймардон бобо, Бегмат бобо, Бўри бобо, Сероб бобо белкурак олиб ишга киришди. Икки километр ерга қувур ётқизиш учун чуқур қазиш керак. Чолларни кўриб уялликчираган ўспиринлар ҳам ишга киришиб кетишди. Қисқа вақт ичиде сув йўли битказилди.

Чолларнинг шарофати билан эрта-индин қишлоқда ичимлик суви келади.

Худойберди НАЗАРОВ, меҳнат фахрийси

Муносабат

Юксалиш пойдевори

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қайд этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўллари соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ арқинликлар бериш ҳақидаги таҳлилий кўрсатмалари билан танишиб чиқдим. Бу айни вақтида қўлланилаётган чорадир. Тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган мақсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизimini янада соддалаштириш бўйича кўрила бошланган чора-тадбирлар, қонуний ўзгаришлар соҳа раванқига, албатта, ўз таъсирини кўрсатиши табиий.

Бугунги кунда жамиятимизда 35 миллион вакилдан иборат 11451 аъзо эл-юрт фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган. Асосий эътибор жамоа шартномасининг беқаму кўст бажарилишига қаратилмоқда. Ишчилар меҳнат қилиш баробарида дам олиш, ўз вақтида саломатликларини тиклаш имкониятига эга. Мисол учун, 100 нафардан ортиқ ходим «Чортоқ», «Ботаника», «Чинобод», «Умид гулшани», «Олтинсой» сингари сийхаттоҳларда саломатлигини тиклаб қайтди. Бундан ташқари, 1300дан зиёд кишига малакали тиббий ёрдам кўрсатилиб, бунга қарийб 80 млн. сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Утган йили корхонада уй меҳнати билан шугулланувчи касаначилар учун 386 та янги иш ўрни яратилган. Шу аснода 8 нафар ногирон ҳам ишли бўлди. Қисқа даврда улар кучи билан бажарилган иш қийма-

Тўлқин РЎЗИМУРОДОВ, «Навийазот» ОАЖ касба уюшма қўмитаси раиси

Фарғона томонларда

Энг намунали ҚВП

Тошлоқ туманининг «Бирлик» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий-технология билан таъминланган. Электромикроскоп, биохимик анализаторлар, ЭКГ каби асбоб-ускуналар даволашда қўл келмоқда.

Шу ернинг ўзида тахлилдан ўтиш йўлга қўйилган бўлиб, тиш, кулок, бурун, неврологик касалликлар, кичик жарроҳлик операциялари ўтказилапти.

— Шифо масканимизда ишловчи 15 нафар ходим қишлоқ аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишда жонқурлик қилмоқда, — дейди пункт мудир Муҳаббатхон Мирзаалиева. — Улар суҳбат ўтказиб, турли касалликларнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширмоқда. Туғиш ёшидаги аёллар, она ва бола саломатлиги назоратта олинган. Шунинг учун ҳам худудимизда аҳолининг саломатлик кўрсаткичи яхши. Фаолиятимиз юқори баҳоланиб, вилоятда «Энг намунали ҚВП» деб эълон қилинди.

Хунар — зар

Мавжудахон Каримжонова Фарғона тумани Воқиф қишлоғидаги 45-умумтаълим мактабида жисмоний тарбия фанидан дарс беради. Бўш вақтида сават тўқийди.

Турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан бирга тол, деворгул новдаларидан ясаган катта-кичик саватлар, турли жиҳозлар харидорларга манзур бўлмоқда. Мазкур буюмлар туман ва вилоятда ўтказилган кўрик-танловларда, кўргазмаларда намойиш этилмоқда.

Муҳаммадхон МАҲМУДОВ, Марғилон шахри

Маҳаллий саноат корхоналарида

Сурхондарё вилоятидаги «Жарқўрғон ободонлаштириш» МЧЖ вази фасини сидқидилдан адо этаётган корхоналардан ҳособланади. Айни пайтда корхона 8 та туманда барпо этилаётган мактаб, коллеж, шифохона ва бошқа объектлар учун асфалт етказиб берапти. Асосий буюртмачилар «Термиз таъминотқурилиш», «Парвина», «Термизқурилиштаъмир», «Агромаш» хусусий корхоналари ҳамда 278-МХМКЖ ва 256-МХМКЖлардир.

Жарқўрғон асфалти

Жорий йилнинг ўтган даврида Термиз шаҳрида бунёд этилаётган стадион қурилиши, 12-Меҳрибонлик уйи атрофини ободонлаштириш, шунингдек, «Сурхондарёдонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти тасаруфидидаги корхоналар майдончаларини асфалтлаштиришга маҳсулот тайёрлаб берилди.

Минг эшитгандан бир кўрган яхши, деганларига амал қилиб, жараёни кўзатдик. Кўз ўнгимизда шебен, ювилган кум ва битум сифими катта маҳсус идиш-

ларга солиб қориштирилди ва 150 даражали иссиқлик берадиган газ печларда бугунди. Иш бошида корхонанинг етакчи мутахассис оператори Тўлқин Жумаев ва унинг ёрдамчиси Ҳамдам Мирзақуллов туришибди. Бу ерда кунига шу тахлит 100-120 тоннагача асфалт тайёрланмоқда. Тайёр маҳсулотни Абдумалик Абдурахмонов, Хуррам Окмирзаев, Абдуваҳоб Эшқувватов сингари гайратли ишчилар узоғи билан 1,5-2 соат орасида 10-12 тоннагача иссиқ асфалтни белги-

ланган жойга ёйиш ҳадисини олишган.

— Йўл, йўлак ва майдончаларга ётқизиладиган асфалт узоқ муддат туриши, майдоннинг текис бўлиши бизгагина боғлиқ эмас, — дейди бригадир Хуррам Окмирзаев. — Мухими йўлми, йўлакми ёки майдонми сифатли асфалтлаштирилиши ва унинг тез орада кўчиб кетмаслиги асфалт ётқизиладиган жойнинг остига қандай маҳсулот ётқизирилиши ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Асфалт тўшалишидан олдин шебен

ёки шағал ташланган бўлса, асфалт бир текис чиқади, узоқ муддатга чидамли бўлади. Баъзи қурилиш ташкилотлари эса шағал ётқизмайди-да текисланган, қуруқ ерга асфалт ётқизишни талаб қилади. Натижада, тупроқ устига

ганди. Ҳайит Қаршиев саъй-ҳаракати ўлароқ у қайта оёққа турди. Кетган мутахассислар қайтарилди, қарз олиб бўлса-да, янги ускуна, жиҳозлар келтирилди. Ишчиларга ўз вақтида маош бериш йўлга қўйилди. Натижа чакки бўлгани йўқ. Бутун жамоада 26 нафар ишчи-мутахассис меҳнат қилапти. Даромад ҳам яхши, ҳомийлик имкониятлари кенгайди. Жумладан, корхона томонидан «Янгиобод» ва «Қораянтоқ» маҳаллалари йўллари хар йили асфалтлаштирилади. Туман марказий шифохонасининг 400 метр узунлидаги йўл бузила бошлади, йўл ёки йўлак ўнқир-чўнқир бўлиб қолади. Айбни эса бизга тўнкашади...

Шубҳасиз, асфалт тайёрлашда битум, шебен, ювилган кум жуда зарур. Шу мақсадда Жарқўрғондаги «Тошлиқум» шўба корхонаси, «Жарқўрғон темирбетон конструкциялари» ҳамда «Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш» қўшма корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилинаётир. Бир пайтлари шариот тақозосига қура корхона деярли тўхтаб қол-

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Тадбир

Хайрия марафони

Юқоричирчиқ туманида икки мингдан зиёд ўзгалар парварши ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлар яшайди. Улар давлатимиз ҳамда меҳр-оқибатли кишилар гамжўрлигини ҳис қилиб яшамоқда.

Яқинда туман ҳокимлиги, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, «Нуроний», «Маҳалла», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида хайрия марафони уюштирилди.

Тадбирда муруватли инсонлар ўз ҳимматларини кўрсатишди. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасида фаолият юритаётган корхона ҳамда ташкилотлар вакиллари фаол иштирок этишди.

Хайрия марафонидан тушган маблағ ёрдамга муҳтож инсонларга, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган кам таъминланган оилаларга кўмак бериш учун ишлатилди.

Латифжон МАНСУРОВ, Кавардон қишлоғи



Масъулият ва ҳушёрликни ошириш йўлида

Чилонзор туманидаги «Автоустоз» Тошкент автомобил ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида саксон нафарга яқин назарий фан ўқитувчиси ҳамда амалий машқ усталари меҳнат қилди. Ўқувчилар белгиланган ўқув дас-

турлари асосида йўл ҳаракати қоидалари, транспорт воситаларининг тўзилиши ва техник хизмат кўрсатиш асослари, юк ташишни ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси, ҳуқуқий жавобгарлик, биринчи тиббий ёрдам

кўрсатиш каби фанлар бўйича сабоқ олмақда.

Суратда: дарс пайтидан лавҳа.

Отабек МИРСОАТОВ (Ўза) олган сурат

Модернизация

Технология шарофати

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан Сирдарё вилоятида пахта тозалаш корхоналари босқичма-босқич реконструкция қилинмоқда.

Жумладан, Сардоба туманидаги «Пахтаобод» пахта тозалаш корхонасини қайта қуришга 5 млрд., жиҳозлаш учун эса 1 млрд. 650 млн. сўм маблағ ажратилди. Цехларга илҳам, тежамкор, замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди.

«Боёвут» пахта тозалаш корхонасида ҳам цехлар таъмирланиб, реконструкция қилиш ишлари низоҳосига етказилди. Қулай шариот меҳнат унвдорлигининг юқори бўлишини таъминлаётир. Бу эса жамоа аъзоларининг моддий манфаатдорлигини оширмоқда.

Модернизация шарофати туфайли корхонада электр энергияси сарфи қарийб икки баробарга қисқарди. Бу эса жамоада ҳар ойда миллион-миллион сўм тежаб қолинаётганидан дарак.

Химия

Ўзганинг ҳақи юқмайди

Гулистон шаҳар ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ирригация бошқармасида ишчи-хизматчиларга иш ҳақини ўз вақтида тўлаш пайсалга солина бошланди. Ходимлар оилаб маош ололмайд сарсон бўлишди.

Ниҳоят, кўмак сўраб, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этишга мажбур бўлишди. Ўтказилган текширув ишларидан корхона қонун талабларини қўпол равишда бузганлиги маълум бўлди. Иш берувчининг масъулиятсизлиги туфайли корхона хизматчилари Т.Худойбердиевга 476 минг 462 сўм, У.Шаматовга 902 минг 777 сўм, Ж.Мамадалиевга эса 667 минг 664 сўм миқдоридagi иш ҳақи асосида равишда тўланмаган. Гулистон туманлараро фуқаролик суди аралашуви-дан сўнг хизматчиларга иш ҳақи тўлиқ ундириб берилди ва айбдорларга қонун доирасида чора кўрилди.

Вилоят архитектура, қурилиш бош бошқармаси маъмуриятида ҳам ишчи-хизматчиларнинг ҳақи айрим шахслар томонидан талон-тарож қилинган. Жумладан, 2009 йил ноябр-декабр ойида 792 минг 600 сўм миқдордаги иш ҳақи корхона раҳбарлари томонидан ўзлаштириб оборилганлиги текширув жараёнида маълум бўлди. Қинғир ишнинг миси чиқиб, талон-тарож қилинган пуллар ўз эгаларига қайтарилди. Айбдорлар эса жазосини олди.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Миннатдорлик

Банк хизматидан мамнунмиз

Авваллари банкка ҳафталаб қатнашимизга тўғри келарди. Ҳозир аҳвол тамоман ўзгарган. Мижозлар банк учун эмас, банк мижоз учун хизмат қилаётир. Бунга Навоий шаҳар АТИБ Ипотека банки ходимларининг тезкор ва сифатли хизматини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Айниқса, Собиржон Турсунов раҳбарлик қилган пайтдан бошлаб бу ерда мижозларга катта қулайликлар яратила бошланди. Барча ходимлар касб масъулиятини ёддан чиқармаган ҳолда хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга эътибор қаратишмоқда. Ҳозирда Аслиддин Мирзақуллов ҳам ана шу тартибда ишни давом эттиряпти. Шу боисдан мазкур банк хизматидан

фойдаланувчилар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Мижозларга эътибор, муносабат бошқа ташкилот ва идораларда ҳам шу тарзда йўлга қўйилса, айни мудадо бўларди.

Саломатхон ҲАЙДАРОВА, Бобомурод НОРБЕКОВ, Навоий вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ходимлари

Андижон вилоят хотин-қизлар кўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Германия техник ҳамкорлик ташкилоти томонидан Соғлом оилани шакллантириш марказлари ташкил этилмоқда.

Марказлар иш бошлади

Жумладан, Андижон шаҳри, Олтинкўл, Андижон, Избоскан, Кўронтена туманларида ташкил этилган ана шундай марказлар репродуктив саломатлик бўйича ўқитиш, ахборот бериш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини омалаштириш бўйича янги лойиҳа асосида фаолият кўрсатишмоқда.

Кўни кеча Андижон шаҳридаги Ешлар марказида шу лойиҳани амалга оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Германия техник ҳамкорлик ташкилотининг юртимиздаги «Саломатлик» лойиҳаси раҳбари М.Поттер, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи В.Ҳакимов вилоятдаги тиббий демография вазият таҳлили, репродуктив саломатликка таъсир қилаётган хатарли омиллар, уларнинг олдини олиш усуллари ҳақида маъруза қилдилар.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Тарғибот

Ҳуқуқий саводхонлик

Мамлакатимиздаги кенг қамровли ислохотларнинг марказида, энг аввало, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш мақсади мужассам. Бу борадаги ислохотларнинг сифати ва самараси эса кўп жиҳатдан жамоатчилик фикрининг қай даражада шаклланишига боғлиқ. Хусусан, Давлат дастури доирасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижросини кенг ёритиш, жамоатчиликнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ислохотларнинг аҳамиятини тушуниришда муҳим ҳисобланади.

Бунда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутишини ҳисобга олган ҳолда, Тошкент шаҳар прокуратураси органлари ходимлари томонидан жорий йилнинг ўтган 11 ойи давомида 369 та тарғибот тадбирлари ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида 87 та чиқиш қилин-

ган. Ушбу тадбирлар жараёнида шу нарсага амин бўлдики, одамлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликка талаб катта. Мухими, уларнинг турли соҳаларда амалга оширилаётган ишларга, сиёсий жараёнларга муносабати ҳам шаклланиб бормоқда. Кўриниб турибдики, тадбирларимиз мазмунини

янада бойитиб, халқимиз талаби даражасида етказишмиш керак экан.

Шундагина, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилма-из ва бу орқали фуқаролик жамиятини шакллантиришга озгина бўлса-да, ҳисса қўшган бўламиз. Бир сўз билан айтганда, қабул

қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатларини фуқароларга етказиш ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва давлат қурилиши соҳасидаги ислохотларнинг моҳиятини янада теранроқ тушунириш ҳамда жамиятда қонунни ҳурмат қилиб, унга қатъий риоя этилишини таъминлашга олиб келади. Бу эса ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий шартидир.

Лола ШОМУРОВА, Тошкент шаҳар прокуратурининг катта ёрдамчиси

Ишончим ортди

Прокурор Бахрулла Казаков бизга тавсия қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни айтиб, қолган ишлар юзасидан туман тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияга учрашимиз лозимлигини тушунирди.

Уша куннинг ўзидаёқ тегишли ҳужжатларни инспекцияга тақдим этиб, давлат рўйхатидан ўтказдик. Ҳозирда саргарошлик билан шуғулланмоқдаман. А.Аминжонов эса хусусий тадбиркор. Ишни бошлашда сансалорлик кўп бўлса керак, дея ўйлардим. Ҳуқуқшуносларнинг муружаатимиз юзасидан берган йўл-йўриқ ва амалий ёрдами фикримни ўзгартирди. Қонуналарга нисбатан ишончим ортди.

Миросад ОДИЛОВ, Қизилтепа тумани

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — тараққиётимиз таянчи» республика танловига

«Сен ҳам суйгин, у Сени суйди...»



Гули Нигор болалигидан қалам билан сирдош тутинди. Ундаги истеъдод отасидан ўтган, дейди кўпчиликлари. Дарҳақиқат, Гули Нигорнинг отаси истеъдодли шоир, моҳир таржимон Чори Аваз (1957-1992)ни адабиёт илосмандлари жуда қадрлашарди. Бироқ унга умр вафо қилмади.

нинг Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳомийлигида чоп этилган «Гулнинг эртаги» шеърӣ тўплами ҳам бор эди. Соғинч ёш шоира кўнглида инжа туйғуларни пайдо қилиб, шеърларига тўқилди:

Ташқарида куз... Шитирлайди бог... Суйди бир қолдуз, Юрагимда оҳ... Дилда уйғонди Хазондек гамлар... Вужуд тўлғонди Чулгаб аламлар...

Онаси — шоира Зебо Омонова ҳам ота, ҳам она вазифасини ўтаб, қизи орзуларининг қанот қочиқ, рўёбга чиқаришда ҳаммаслақ бўлди. Мехрибон она тарбиясини олган Гули Нигор шеърларига бунчи хо эди:

Сиз фаршита, бир гўзал малак, Дуоғўйим мунис, Отажон. Сиз бир осмон зангори фалак, Сиз туйғайли ёруғ бу жаҳон...

Яқинда республика «Камолот» ЁИХ биносининг катта залида саккиз нафар Зулфия мукофоти лауреатлари китобларининг тақдими ўтказилди. Улар орасида Гули Нигор

Ёндирди... Вужудим, руҳим аланга — Оташида қоврилди, куйди. Сўнг Қодирни Якто кўнглимга: «Сен ҳам суйгин, у Сени суйди». Дея ватанимни кўрсаптиб куйди.

«Уйғон, кўнгли» номини олган илк тўплами ун икки ёшида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган. Шундан сўнг ёш шоирнинг «Хурлигимни куйлайман» (2002), «Тонг чорлови» (2004), «Бахтим бешиги дунё» (2005), «Гулнинг эртаги» (2010) каби шеърӣ, публицистик йўналишдаги «Саодатга йўлловчи маскан» (2003) ҳамда «Ўзбекча «қарамоқ» ва инглизча «tolook» феълларининг қиёсий таҳлили» номли илмий китоблари чоп этилди. У 2005 йили адабиёт йўналиши бўйича Зулфия мукофотига сазовор бўлди ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултетига қабул қилинди. Айни пайтда Ички ишлар вазирлиги бирлашган тахририятда фаолият кўрсатиш билан бир қаторда магистратура босқичида таҳсил олмақда.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» муҳбири

Қарши транспорт коллежи махсус фанлар ўқитувчиси Робия Норбўтаева чорак асрки, ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда.

«Ўқитувчи ва мураббийлар куни» муносабати билан эълон қилинган фармонга кўра, Робия Норбўтаева «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор бўлди.

Болалиги, ёшлик йиллари ҳақида опа шундай хотирлайди: — Қамаш туманида туғилдим. Девор-дармиён кўшимиз Уйғолой Султонова ўқитувчи эди. Ҳар куни мактабга бораётганда устознинг дафтарларини, сумкасини кўтариш мен учун бахт эди. Уша вақтлардаёқ қалбимда бу касбга меҳр уйғонган. Дастлаб Қарши педа-



Мехнатдан қадр топганлар

Шоғирдаларин фарзанддай кўриб...

гогика билим юртида меҳнат-чизмачилик йўналишида, сўнгра Қарши педагогика институтида (ҳозирги ҚарДУ) умумтехника ва меҳнат факултетига таҳсил олдим.

...Робия опа фаолияти давомида тажрибали ҳамкасбларидан касб сир-синоатларини ўрганишдан чарчамади. Қайси таълим муассасасида ишласин, ёшларни махсус фанларга қизиқтира олиши, ўқувчиларга дарсини осон ва теран етказиб бериши, қолаверса, меҳрибон ва софдиллиги билан ҳурмат қозонди.

— Касб-хунар коллежида Шаҳодат Султонова, Азамат Мусаев, Шавкат Зайниддинов каби тажрибали ўқитувчилардан кўп нарса ўргандим. Насиба Рўзиева, Қундуз Норова, Зафар Очилов сингари ҳамкасбларим билан аҳил ва ҳамжиҳат ишлаб келяпмиз. Коллежимизда темир йўл транспорти учун машинист ёрдамчиси, бекатларда хизмат кўрсатиш диспетчери, темир йўл станцияларида электр тизимини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда автомо-

билларга хизмат кўрсатиш мутахассисликлари бўйича таълим берилади. Электротехника ва электроника ҳамда материалшунослик фанлари юқоридаги касб-хунарларнинг ажралмас бўлагидир, — дейди опа. — Ўқувчи бу фанларда поезд, вагон, релслар қандай металллардан тайёрлангани ҳақида маълумотга эга бўлиш билан бирга, электр тизимини ташкил этиш ва бошқаришни ўрганади. Ўқувчилар чилангарлик устaxonаларни, шохбекатларда назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлайди. «Ёш технолог» тўғрагида касбий кўникма ҳосил қилишади.

Бундан олти-етти йил муқаддам коллежга «Меҳрибонлик уйи»да ўсган Мария Горгина исмли рус қизи ўқишга келади. Бу ерда асосан ўғил болалар таҳсил олиши боис, талабалар турар-жойида қизлар йўқ эди. Шунда Робия опа маъмурият ва илмий кенгаш розилиги билан Марияни уйига олиб келади. Фарзандлари қатори тарбиялай бошлайди. Ўзбекча муҳит, тарбия Мариянинг қал-

бида фарзандлик туйғусини, меҳрини уйғотди. Таълим муассасасини тугатгач, турмушга чиқди. Ҳозир қизчаси бор. Дарвоқе, у акасини ҳам топди.

Робия опанинг оиласига ҳавас қилса арзийди. Турмуш ўртоғи Жўра Бердиев қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди, Қарши Давлат университетига доцент. Катта ўғли Акбар транспорт касб-хунар коллежида жисмоний тарбия ўқитувчиси, кичиги Ақтам «Насаф» футбол жамоаси ўринбосарлари таркибига дарвозабон. Катта қизи Гулмира психологиядан сабоқ беради. Хуллас, спортсевар ва зиниллар оиласи.

— Дарс ўтар эканман, дилимда бир истак туғён уради: Биз берган таълим-тарбиядан шоғирдалар фаоллиги ошсин, эркин фикрлаши, мустақил давлат келажаги учун қайғурини ўрганиш. Меҳнат ила ҳаёт фаровонлигига эришишсин. Ҳаётда ўз йўлини, ўрнини топган шоғирдаларини кўрганда эса дилим яйрайди.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Фидойи

Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлоний тарбияни, аввало она, иккинчидан мактаб қилур, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, маънавиятли, маданиятли, соғлом фарзандларни етиштиришда педагог кадрларнинг хизмати беқиёс. Шундай маърифат фидойиларидан бири пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 445-мактабгача таълим муассасаси услубчиси Дилором Каримовадир.

Талабчан ва самимий

Ҳамкасблари уни талабчан, иродали ва самимий деб ардоқлашади.

1991 йил мактабни аъло баҳоларга тамомлаган Дилором дастлаб Юнус Ражабий номидаги педагогика билим юртини, сўнгра Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетини муваффақиятли битирди. Бу орада турмушга чиқди, оналик бахтига сазовор бўлди.

Оила кўрғонини мустаҳкамлаш баробарида, ўз устидан тинмай ишлади, ўқиди, ўрганди. Айниқса, устози Галина Бессоновадан кўп сабоқ олди. Устозиданги ширин-сўзлик, касбга садоқат ва ҳалоллик унга ибрат бўлди.

— Инсонни тушуниш, қалбини англаш соҳамизнинг асосидир, — дейди Дилором опа. — Болаларни севмай-диган, уларнинг руҳий оламани ҳис қилмайдиган одам бу соҳада ишлаши мушкул.

Таълим муассасасида барча ишлар «Учинчи минг йиллик боласи» — болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастури асосида ташкил этилган. Жисмоний баркамоллик, ақлий ривожланиш, маданий етуклик ушбу дастурнинг устувор йўналишларидир. Таълим самарадорлигини оширишда интерфаол усуллар, семинарлар ва бошқа таълим муассасалари билан тажриба алмашиш катта аҳамиятга эга.

Таълим-тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилгани ижобий самара бермоқда. Дилором фаолият юритаётган 445-МТМ «Йил тарбиячиси — 2009» курик-танловига туман миқёсида 2-ўринни, 2010 йил эса кураш бўйича 1-ўринни, шашка бўйича 2-ўринни эгаллади.

— Бундай ютуқлар жамоанинг аҳиллигидан, интилишларидан далолатдир, — дейди Д.Каримова.


Баркамол авлод — мамлакат келажагидир. Нигоҳидан заковат, ғайрат уфуриб турган Д.Каримованинг ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги шарафли ишларида улкан зафар ва муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Мадина КУТБИДИНОВА

Ҳуқуқий демократик жамият сари

Сиртдан иш кўриш

Мамлакатимизда қонун ижодкорлигига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги натижасида қонунларимиз нафақат пухта-пишиқ тайёрланмоқда, балки фуқаролар манфаатига хизмат қилувчи янгича асослар билан бойимокда. Қонунчиликда илк марта ўз ифодасини топган фуқаролик ишларини сиртдан кўриш институти шулар жумласидир.



Сиртдан иш кўришнинг асосий мақсади — фуқаролик процессида тарафларнинг, айниқса, жавобгарнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун процессуал жавобгарликини ошириш, низоли масалани ҳал этишни тезлаштириш, шунингдек, судьяларнинг ихтиёрида бўлган ишларни ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш орқали манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳуқуқ тизимида жорий этилган. Бунда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилинган жавобгарнинг суд процессига ўзисиз сабабларга кўра келмаслиги ва унинг иштирокисиз, даъвогарнинг

албатта розилиги билан иш мазмунан кўриб чиқилади. Фуқаролик ишларини сиртдан кўриб чиқиш жараёнида қонунда назарда тутилган тартиб ва шартлар мавжуд бўлиб, ўз навбатида, уларга риоя қилиш ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатлилиги кафолати ҳисобланади.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»-ги қарорида суд иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқариши мумкинлиги қайд этилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 225-моддасига мувофиқ, даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан кўришга рози бўлмаса, суд ишни кўриш-ни кейинга қолдириши ва келмаган жавобгарга ишнинг янгидан кўриш вақти ва жойи ҳақида қайта хабар юбориши лозим.

Фуқаролик процессуал

кодексининг 229-, 235-моддаларига биноан, суд мажлисида иштирок этмаган тараф сиртдан ҳал қилув қарори унга тегишли тартибда маълум бўлган кундан бошлаб, ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақлидир. Қарор уни чиқарган суд томонидан беркор қилинган тақдирда ишни мазмунан кўриш тикланиб, Фуқаролик процессуал кодексига белгиланган қоидалар асосида кўрилади.

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилиши билан процесснинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда далилларни ўрганиб, текшириб чиқиш чегараланган бўлади, яъни суд ишда мавжуд далилларни текшириш билан кифояланади. Сиртдан иш юрти тегишли кўрилганида, даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг микдори кўпайтирилиши мумкин бўлмайди. Чунки сирт-

дан ҳал қилув қарори чиқариш жараёнида даъвогарнинг ўз даъвоини асослайдиган далиллар доираси, даъво предмети, талабларининг микдори жавобгар томонидан топширилган даъво аризасининг нусхаси ва чақирув қоғозига аниқ белгилаб қўйилади.

Умумий асосларда чиқарилган ҳал қилув қароридан фарқли равишда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг баён ва асосланган қисмларида жавобгарнинг эътирозлари ва шу кабилар бўлмайди. Шунингдек, энг муҳим фарқ сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида бу ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш мuddати ва тартиби кўрсатилган бўлиши талаб этилади.

Суд ҳал қилув қарори устидан бериладиган апелляция шикоятларидан фарқли равишда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризадан кўп ёки унга тенг бўлса, у ҳолда ЯИТ ҳақиқатда ҳисобланган сумма миқдорига тўланиши керак.

Ушбу Низом моҳиятини солиқ тўловчиларга етказиш ва тушунтириш учун туманда Давлат солиқ инспекциясининг малакали ходимлари иштирокида семинарлар мунтазам ўтказилиб турибди.

Баҳодир РОЗИКОВ, Олмазор туман ДСИ шўба бошлиғи

Солиқ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарорига асосан, ягона ижтимоий тўлов (ЯИТ)нинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан уни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида ишлаб чиқилган Низомга кўра, ҳўжалик юритувчи субъектлар ЯИТни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

нинг базавий миқдоридан келиб чиқиб, қонун ҳўжатларига мувофиқ пеня ҳисоблаган ҳолда

ридан кўп ёки унга тенг бўлса, у ҳолда ЯИТ ҳақиқатда ҳисобланган сумма миқдорига тўланиши керак.

Шунингдек, Низомда қонун ҳўжатларига мувофиқ, ягона ижтимоий тўловнинг пасайтирилган ставкаси белгиланган юридик шахсларга, нотижорат ташкилотларига, шу жумладан, бюджет ташкилотларига татбиқ этилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

ЯИТни ҳисоблаш тартиби

Низомда назарда тутилган ЯИТни ҳисоблаб чиқаришнинг тартиби бузилганда, давлат солиқ хизмати органлари ЯИТ-

ЯИТни қўшимча ҳисоблайдилар. Агар Солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган ЯИТ ҳақиқий суммаси ЯИТнинг базавий миқдо-

ридан кўп ёки унга тенг бўлса, у ҳолда ЯИТ ҳақиқатда ҳисобланган сумма миқдорига тўланиши керак.

«GM-Ўзбекистон» қўшма корхонаси маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси

Ўзбекистон халқини кириб келаётган
Янги йил байрами
билан муборакбод этади.
2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий
тадбиркорлик йилида
хонадонингизга файзу барака,
тинчлик-хотиржамлик тилайди!
Юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин!



«БУХОРОСАНОАТ ХУДУДИЙ БИРЛАШМА» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ ВА БИРЛАШГАН ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Соҳа ходимлари
ва бунёдкор
халқимизни кириб
келаётган қутлуғ
айём - Янги 2011
йил билан самимий
муборакбод этади.
Бугунидан эртасини
янада фаровон
килаётган жонажон
юртимиз меҳнат
ахлига ва-уларнинг
оила аъзоларига
сихат-саломатлик,
хуш кайфият,
хонадонларига қут-
барака тилайди.



«Бўстон санаторийси» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

*Юртодошларимизни Янги йил билан
қутлайди ва маъқул сихаттоқда дам олиб,
даволанишга таклиф этади.*

Санаторий Тошкент шаҳридан 30 километр масофада, Зах канали бўйида, ден-
гиз сатҳидан 450 метр баландликда жойлашган.
350 ўринли санаторий юрак-томир, гинекология ва урология касалликлари би-
лан оғриган беморлар учун даволаш диагностика базасига эга. Бу ерда электр-
нур-балчиқ билан даволаш, магниттерапия, лазертерапия, даволаш бадантар-
бияси, уқалаш (массаж) муваффақиятли қўлланилмоқда.
Таърибали стоматологлар сизни тиш билан боғлиқ муаммолардан халос эта-
ди.
Беморлар санаторийнинг замонавий диагностика жиҳозлари асосида текши-
рувдан ўтишади.
Сихаттоқ маъмурияти дам олувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил
қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ёзги ва киши клуб, катта
китоб фондига эга бўлган кутубхона, ёзги бассейн, мусикий салон, чойхона иш-
лаб турибди. Тошкент, Чирчиқ шаҳарларига ва шунингдек, Чорвоқ ва Чимёнга
мунтазам равишда саёхатлар ташкил қилинади.
Шифо масканимизга марҳамат!
Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани Спорт кўчаси
«Бўстон» санаторийси.
Тел.: 8(37071) 5-43-11, 5-49-97, 5-49-90.



Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган 2011 йил билан муборакбод этади. Янги йилингиз эзгуликка бой ва барокатли йил бўлсин! Мамлакатимиз тараққиёти янада юксалаверсин!



«Қашқадарё вилоят ҳудудий электр тармоқлари» очик акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Бунёдкор халқимизни 2011 йил билан самимий муборакбод этади. Янги йил хонадонингизга кувонч, бахт-саодат олиб кирсин. Ҳаётингиз доимо нурафшон, Янги йилингиз қутлуг бўлсин, азиз юртдошлар!



Олот туманининг «Баҳористон» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи муҳандис-гидротехник Мурод Ондаев ишдан мукофотга берилган рангли телевизор билан уйига қайтди. Бундан турмуш ўртоғи Розия Равшанова ҳамда фарзандлари Комил, Шодия, Улмас бениҳоя хурсанд бўлишди. Гап мукофотнинг қийматида эмас, оила сардори меҳнатининг қадр топаётгани билан боғлиқ эди.

Сув келтирган азиз

Мурод Ондаев сув таъминоти соҳасида 25 йилдан буён ишлайди. Айни пайтда у «Аму-Қорақўл» ирригация тизими бошқармасида меҳнат қилмоқда. Худуддаги 36,6 километр масофага чўзилган «Бахт», «Тайқир», «Гарибек» каналларида сув назоратини талаб даражасида олиб боради. 2,5 минг гектар экин майдонига эга бўлган 3 та сув истеъмолчилари уюшмасига меъёрдаги об-ҳаётни ўз вақтида етказиб беради.

Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги «Тошрабат-Жилво», «Хархўр-Дуоба», «Шохруд-Дўстлик» ирригация тизимлари бошқармалари ва корхоналарида ҳам Мурод Ондаев сингари фидойилар кўп. Улар сувдан самарали фойдаланиш, ирригация-мелиора-

ция тадбирларини белгиланган муддатларда юқори сифат билан ўтказиш борасида ибрат кўрсатиб, деҳқончилик маданиятини оширишда катта хисса қўшмоқда.


Ана шу жиҳатлар инobatта олиниб, ҳавза бошқармасига қарашли корхоналарнинг 40 нафар ишчи-ходими халқ депутатлари вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари, шунингдек, маъмурият ва агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг телевизор, гилам, видеомагнитофон, чинни буюмлар тўплами каби мукофотлари билан тақдирланишди.

Халқимизнинг сув келтирган азиз, дегани шу бўлса керак-да.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«Чинобод санаторийси» очик турдаги акциядорлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси

Мамлакатимиз фуқароларини Янги йил билан чин дилдан қутлайди ҳамда мазкур сихатгоҳда дам олиб, даволанишга чорлайди.



Санаторий — Тошкент шаҳридаги балнеологик курорт. Даволаниш учун кўрсатмалар: овқат қилиш касалликлари (ремиссия босқичида), гинекологик касалликлар, қандли диабет.

Асосий даво омиллари: Тошкент артезиан ховузининг (+51 даража) маъданли суви, хлорид-гидрокарбонатли натрийли сувлари, Балиқли кўлининг балчиғи.

Сихатгоҳда зарур ташхис ва даволаш хоналари мавжуд. Маъданли сувдан ванналар учун, ичакни чайиш, меъдани ювиш, дуоденал дренажлар, даво ичимлиги сифатида фойдаланилади. Парафин-озокерит билан муолажалар, сув остида душ-массаж қилинади. Табiiй даволаш омилларидан ташқари физиотерапия, уқалаш, даволаш жисмоний тарбияси амалга оширилади. Пархез овқатлар бериллади.

Етоқ бинолари шинам қилиб безатилган, барча қулайликларга эга бир ва икки ўринли хоналардан иборат.

Клуб, кутубхона, спорт майдончалари бор. Санаторий ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Санаториймизга марҳамат!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, О.Зокиров кўчаси, 88-уй.
Телефон: 212-29-12



Китоб тафти

Президентимизнинг «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» асарига ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, мутлолага болаликдан эътибор бериш кераклиги ҳақида фикр юритилди. Дарҳақиқат, китоб ўқиган одамда саводхонлик, нуктадонлик жиҳатлари ҳам яхши шаклланади.

Кутубхонамизда 5 минг донадан ортққ турли мавзудаги китоблар бор. Асосий китобхоналаримиз ҳарбий хизматчилар ва мактаб ўқувчиларидир. Кенг, ёруғ ўқув хонаси ҳаммаша одамлар билан гавжум. Китобхонлар асосан дарсликлар, сиёсий адабиётлар, тарихий, баддий асарларни кўп сўрашади, мутлола қилишади.

Китоб варақлаган сари юракда қандайдир илиқлик уйғонади. Қалбингизда нур пайдо бўлганини сезасиз. Бундай тафтни киши бошқа ҳеч нарсдан топа олмайди.

Дилфуза ЖАКБАРОВА,
Шарқий ҳарбий округ Фарғона гарнизони
Офицерлар уйи кутубхоначиси

Бухоро вилоят касабба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши




Барча юртдошларимизни
Янги йил байрами билан
муборакбод этади.
Халқимизга фаровонлик,
тинчлик ва омонлик,
бахт-саодат, иқтисодий
ва ижтимоий
ислоҳотларни амалга
ошириш йўлидаги
ишларида
муваффақиятлар тилайди.

Наманган вилоят касабба уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Барча
юртдошларимизни
Янги йил билан
табриклайди.
Уларга
сиҳат-саломатлик,
ишларида
муваффақиятлар
тилайди.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабба уюшмаси Марказий кенгашининг Фарғона вилоятидаги вакиллиги

Барча
юртдошларимизни
Янги йил билан
самимий кутлайди.
Уларга яхши кайфият,
соғлиқ-саломатлик,
узоқ умр, бахт-саодат,
эл-юрт фаровонлиги
йўлидаги олижаноб
ишларида
муваффақиятлар
тилайди.



Агроеаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши

Ўзбекистон халқини кириб
келаётган 2011 йил билан
самимий муборакбод этади!

Яхши ният ва қувончу шодликлар ила эшик
қоқаётган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик
йили барча юртдошларимизга
янги зафарлар олиб келсин!
Мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир
оиланинг ҳар бир аъзосига
бахт ва омад ёр бўлсин.
Янги йил барча юртдошларимиз учун
муваффақиятлар йили бўлсин.

Байрамлар шукуҳи

Қарши шаҳрида Энергетиклар куни ҳамда Янги йил
байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳудудий электр тармоқлари ОАЖ
маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси то-
монидан ўтказилган маъжур тадбирда соҳа
фахрийлари ва туман корхоналари вакилла-
ри иштирок этди.

Тармоқ корхоналарида узоқ йиллар меҳнат
қилган ходимларга «Ўзбекэнерго» Давлат ак-
циядорлик компаниясининг «Энергетика фах-
рийси» нишонлари топширилди. Шунингдек,

вилоят ҳокимлиги соҳа ривожига ҳисса
қўшган фахрийларни тақдирлади.

— Ходимларнинг фарзандлари учун Шах-
рисабз ва Қарши шаҳарларида Янги йил ар-
часи ташкил этилиб, турли театрлаштирил-
ган томошалар ўтказилади. — деди вилоят
ҳудудий электр тармоқлари ОАЖ касаба
уюшма қўмитаси раиси Рузиқул Бердиев.

Ўз мухбиримиз

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши

Соҳа ходимлари ва барча
юртдошларимизни янги—
2011 йил билан дилдан
қутлайди.

Кун сайин ривож топиб,
гуллаб-яшнаётган
мамлакатимиз истиқболи
йўлида меҳнат қилаётган
юртимиз зиёлиларига
ҳамиша бахт ва
омад ёр бўлсин!

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши

Эл саломатлиги йўлида фидойилик
кўрсатаётган соҳа ходимлари ҳамда
мамлакатимиз аҳолисини кириб
келаётган янги — 2011 йил билан
чин дилдан муборакбод этади.

Юрт тинчлиги ва фаровонлиги, халқ саломатлиги
йўлида матонат кўрсатиб меҳнат қилаётган
инсонларга бахту саодат, муваффақият ҳамиша
ёр бўлишини тилайди!

2011 йил муборак
бўлсин, азизлар!

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Барча юртдошлар ва
соҳа меҳнаткашларини
кириб келаётган янги
2011 йил билан
самимий табриклайди.

Ҳар қайси хонадонда
тинчлик ва фаровонлик
ҳукм сурсин, Ўзбекистон
халқининг барча ёзгу
ишларига омад ёр бўлсин.
Меҳнатингиз ва
ижодингизда
муваффақиятлар,
муштақам соғлиқ ва бахт
тилаймиз.



Кўргазма



«Қишлоқ томон йўл»

Нодир Норматов — санъатшунос, ёзувчи, киносценарист. Санъатсеварларнинг кўз ўнгига унинг яна бир қирраси намойён бўлди. У ўзини фоторассом сифатида ҳам кўрсата олди.

Тасвирий ва амалий санъат муаммоларига, санъат усталарининг ижодий портретларига бағишланган кўлаб мақолалар муаллифи Нодир Норматов жорий йилда давлатимизнинг юксак эҳтироми — «Меҳнат шухрати» орденига сазовор бўлган.

кўнглингизга яқин ва ҳамоҳанг бўлган қишлоқ манзараларига дуч келасиз. Муаллиф ўз ишларини фотоимпрессионистик асарлар деб аташи бежиз эмас.

қишлоқларига қилган саёҳатлари, балки Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти аҳолиси урф-одатлари ҳамда барчамиз учун қадрили водийлар, дала-даштар, тоғлар ва дарёлар ҳақида ҳам ҳикоя қилади.

Назира БОЙМУРОДОВА, муаллиф олган суратлар

Касбга садоқат

Ташаббускор муаллим

Марғилон шаҳридаги иқтисодиёт касб-хунара коллежида талабаларга компютер технологиялари асосида таълим беришга алоҳида аҳамият берилётган. Бунда коллеж директори, Халқ таълими аълочиси Жалолиддин Қўчқоровнинг хизматлари катта.

Ўтган йиллар мобайнида ўқув юрти мутахассислари томонидан 7 та ихтисослик бўйича ўқув режалари, юздан ортиқ фанлар бўйича дастурлар тайёрланди. Бунда ҳам директорнинг ўзи ташаббус кўрсатди.

туриш учун ҳар йили маблағ ажратилаётгани ҳам таҳсинга лойиқ. Раҳбарнинг ташаббуси билан коллежда «Хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони таъсис этилган.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information for subscriptions and advertising rates.

Футбол

Сарҳисоб

Қарши шаҳридаги «Новий гумбаз» тантаналар уйида «Насаф» футбол жамоасини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Собиржон НАРЗИЕВ олган сурат

Ўзбекистон профессионал футбол лигаси директори Фарҳод Мамамадов қаршилик футболчиларга XIX чемпионатнинг бронза медалларини топширар экан, футболга берилган эътибор учун вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев, «Насаф» клуби президенти Алишер Султонов, клуб бош менежери Баҳром Давлатовга миннатдорчилик билдирди.

Ўзбек спорти маликалари

Тошкент вилояти Зангиота туманида «Спорт маликаси — 2010» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ўн тўрт нафар иқтидорли спортчи қиз кўплаб қизиқарли шартлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

Суратда: гранпри соҳибаси Зиёда Ризоева (Тошкент вилояти). Отабек МИРСОАТОВ (Ўза) олган сурат



Бу инсонни Ўзбекистон эндокринология фанининг асосчиси деб кўрсатсак, арзийди. Уни барча тиббиёт ходимлари, биохимик олимлар яхши билишади ва эъзозлашади.

Устозга таъзим

Бу инсонни Ўзбекистон эндокринология фанининг асосчиси деб кўрсатсак, арзийди. Уни барча тиббиёт ходимлари, биохимик олимлар яхши билишади ва эъзозлашади.

Спартакиада

Санъат ва спорт — эгизак

Қарши санъат коллежида бир ой давом этган Баркамол авлод йили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Саломатлик» спартакиадаси гойиблари аниқланди.

Ўқитувчилар ўртасида мини футбол бўйича пуфлама ва зарбали чолгулар кафедраси жамоаси гойиб чиқди. Стол тенниси баҳсларида анъанавий ижрочилик кафедраси жўрнавиози Лазиз Бокиев барча рақибларидан устун келди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Фанга бахшида умр

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг вице президенти, академиги Ё.Туракуловнинг фанга қўшган ҳиссаси бебаҳо. Жумладан, унинг саёҳатлари билан Эндокринология институти ривожланди, янги лабораториялар, вилоятларда эндокринологик диспансерлар ташкил қилинди.

доқат хислатларини тарбиялаб, тўғри йўл кўрсатиши билан обрў қозонди. Ўтган асрнинг 60-йилларида дунёда биринчи бўлиб одамдаги қалқонсимон без ишлаб чиқарадиган бир қатор муҳим гормонларни кимёвий усулда ажратиб олишга эришди.

мий изланишлар олиб борди. Бу Ўрта Осиё миқёсида илк бор қилинган тадқиқот эди.

Фахрийлар эъзозда

Беш йилдирки, Сарисий туман ҳокимлиги ва «Дашнобод боғлари» фермер хўжалиги ҳамкорликда бир гуруҳ нурунийларни тарихий шаҳарларимизга зиёратга юборишни йўлга қўйган.

Бу йил ҳам туманининг ривожланишига меҳнати синган 52 нафар отахону онахон 15 кунлик саёҳатда бўлиб қайтди.

Саёҳат


Саёҳат ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳидан бошланди. Шундан сўнг нурунийлар Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива шаҳарларидаги тарихий обидаларни кўриб, юксак меъморчилик намуналари билан яқиндан танишишди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» муҳбири

Зиёрат

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ Бухоро солиқ коллежида ёшларнинг миллий руҳда, юксак ахлоқий фазилат эгалари қилиб тарбиялаш ҳамда маънавий меросимизни, қадриятларимизни ҳар томонлама ўрганиш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Маъмур режа асосида тармоқ Марказий кенгашининг Бухоро вилояти қасаба уюшма вакиллари ёрдамида 25 нафар аълочи ўқувчи етти пир — Ҳазрат Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Ҳожа Ориф ар-Ревағарий, Ҳожа Маъмур Анжир Фағнавий, Ҳожа Али Рометаний, Ҳожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол, Ҳазрат Баҳроуддин Нақшбанд зиёратгоҳларига саёҳат қилишди.



Н.ИНОЯТОВ, Бухоро солиқ коллежи қасаба уюшма кўмитаси раиси

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар қасаба уюшма кўмиталари раислари кенгаши «НИ-ТЕСНАКБЕЛ» ҚҚ раҳбари Уринбосари Иброҳим Розиков ва «Узақабел» ОАЖ Қўшма корхонаси бош муҳандиси Шавкат Розиковларга волидаи муҳтарамалари МУҲАББАТ аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Анджон вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда тармоқ қасаба уюшмалари вилоят кенгашлари ва вакилликлари бирлашма ижтимоий суурта бўлими мудирининг Уринбосари Зайниддин ЭРҒАШЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.